

ПАХТАНИ ЙИРИК ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАГИЧЛАРНИНГ КОЛОСНИКЛИ ПАНЖАРАЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ.

Ёқубов М.Э.¹ Тўраев О.О.²

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7215165>

Пахта тозалаш машиналарининг ифлосликларни ажратувчи колосникли панжаралари конструкциялари таҳлили шуни кўрсатдики, вазифаси бир хил ва конструкциялари турлича бўлган кўплаб колосниклар ва колосникли панжаралар мавжуд. Ҳозирги вақтгача манбаларда пахта тозалаш машиналарининг колосникли панжараларининг умумий системаси ёки классификацияси йўқ, бу эса ўз навбатида пахта тозалаш машиналарининг тозалаш системаларини такомиллаштириш ва таҳлил қилганда қийинчиликлар туғдиради.

Таклиф этилаётган классификация пахтани йирик ифлосликлардан тозаловчи, амалдаги колосникли панжараларнинг асосий конструкцияларини ўз ичига олган биринчи иш ҳисоби ҳисобланади. Классификация тузилаётган вақтда колосникли панжараларнинг функционал-техник ва конструктив параметрларига эътибор берилган. Колосникли панжаралар ҳаракатсиз ва ҳаракатланадиган йирик ифлосликлардан тозаловчи тозалагичлар асос килиб олиниб, ҳар хил янги элементлар билан бойитилган вариантлари ва улар орасидаги боғлиқликларни ҳисобга олган ҳолда қлассификация тузилди.

Амалдаги ишлаб чиқарилаётган классификацияда келтирилган пахтани йирик ифлосликлардан тозаловчи тозалагичларда ясси ишчи қиррали, айлана кесимдаги ва бир хил ўлчамдаги ҳаракатсиз колосниклар ўрнатилган. Классификациядан кўриниб турибдики, йирик ифлосликлардан тозаловчи тозалагичларда ҳаракатсиз колосниклар ўрнатилганда колосникларини оптимал равишда танлаш йўли билан тозалаш ишлаш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Чигитли пахтани йирик ифлосликлардан тозаловчи тозалагичининг колосникли панжаралари классификацияси.

Тозалаш самарадорлигини ошириш бошқа бир йўли қўшимча конструктив элементлар ёрдамида колосникларнинг ишчи юзаси фаоллаштиришдир. Лекин кўп ҳолларда тозалагичлардаги фаол колосникли панжаралар пахта чигити ва толасининг шикастланишига, летучканинг чиқитга чиқишини кўпайишига олиб келади. Полимер қопламали фаол юзали колосниклар кутилган натижани бермайди. Шунинг учун қопламали фаоллаштирилган колосниклар тозалаш самарадорлигини биров оширса ҳам ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмади.

Пахта хомашёсини йирик хас-чўплардан тозалаш машиналарининг конструкцияси, пахтани йирик хас-чўплардан тозалаш машиналарининг асосий ишчи органларидан бири бўлиб ҳисобланадиган колосникли панжаралар конструктив таҳлил қилинди.

Колосникли панжараларни, колосникларнинг шакли ва ўлчамларини, жойлашиш схемаларини ўзгартириш, тозалаш самарадорлигини ошириш ва бошқа иш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида, пахта хомашёсининг табиий хоссаларини сақлаб қолган ҳолда олимларимиз томонидан яратилган, юқори иш самарадорлигига эга бўлган колосникли панжараларнинг конструкциялари, уларнинг афзалликлари ва камчилиги ўрганиб чиқилди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Зикриёев Э.З. Пахтани даслабки қайта ишлаш. (ўқув қўлланма) Тошкент. “Меҳнат” 2002.
2. Зикриёев Э.З. Пахтани қайта ишлашнинг мувофиқлаштирилган технологияси. Тошкент. 2006.
3. Жабборов Ғ.Ж. Чигитли пахтани дастлабки ишлаш технологияси. Тошкент, “Ўқитувчи” 1987.